

Ҳамидов Нурмухаммад Ориф ўгли,

Тошкент давлат юридик университети
Жиноят-процессуал ҳуқуқи ва криминалистика
кафедраси ўқитувчиси



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-9-12>

КОНТРАБАНДА ТУШУНЧАСИ ВА КОНТРАБАНДА УЧУН ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТИ

Аннотация: Ушбу илмий мақолада контрабанда тушунчаси ва контрабанда учун жиноий жавобгарликнинг ижтимоий заруратига доир масалалар баён этилган. Шунингдек тадқиқот натижалари таҳлил этилиб, тегишли таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлари: контрабанда, божхона, чегара, олиб ўтиш, ўтказиш, жиноят, радиоактив материаллар, порглатиш қурилмалари, қурул-яроғ, декларация.

Ҳамидов Нурмухаммад Ориф ўгли,

Преподаватель кафедры
Уголовно-процессуального права
и криминалистики Ташкентского
государственного юридического университета

ПОНЯТИЕ КОНТРАБАНДЫ И СОЦИАЛЬНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ УГОЛОВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА КОНТРАБАНДУ

Аннотация: В данной научной статье рассматриваются понятие контрабанды и вопросы, связанные с социальной необходимостью уголовной ответственности за контрабанду. Также проанализированы результаты исследования и даны соответствующие предложения и рекомендации.

Ключевые слова: контрабанда, таможня, граница, пересечение, перемещение, преступность, радиоактивные материалы, взрывчатые вещества, оружие, декларация.

Khamidov Nurmukhammad Orif ugli,

Teacher of the Department of Criminal
Procedure law and Criminalistics of
the Tashkent State University of Law

THE CONCEPT OF SMUGGLING AND SOCIAL NECESSITY OF CRIMINAL LIABILITY FOR SMUGGLING

Annotation: The notion of smuggling and issues related to the social necessity of criminal liability for smuggling were discussed in this scientific article. The results of the research were also analyzed and appropriate suggestions and recommendations were given.

Keywords: smuggling, customs, border, crossing, transfer, crime, radioactive materials, explosives, weapons, declaration.

Бугунги кунда ривожланган бозор иқтисодиёти ва глобаллашув жараёнларида ҳеч қайси мамлакат ўз қобигига ўралиб, фақат ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ҳисобига яшай олмайди. Дунё бозори мавжуд экан, мамлакатлар ўртасида халқаро меҳнат тақсимоти, товарларни айирбошлаш учун экспорт-импорт операциялари ҳам мавжуд бўлади. Бундай товарларнинг тури ва миқдори, албатта, муайян давлатдаги мавжуд эҳтиёжлардан келиб чиқади. Ҳар бир мамлакат ўз иқтисодиётини ташкил этар экан, ушбу ҳолатларни ҳисобга олишга мажбурдир. Ўзи ишлаб чиқарган товарлар ҳисобига натурал хўжалик асосида яшамоқчи бўлган мамлакатлар (60-йилларда Хитой, 90-йилларда Шимолий Корея ва ҳ.к.) тажрибаси шундан далolat берадики, улар қолақликка ва қашшоқликка маҳкум бўладилар. Одатда, мамлакатлар ўртасида товар айирбошлаш турли шакл ва кўринишларда амалга оширилади ва экспорт-импорт шартномалар орқали расмийлаштирилади.

Аммо, бундай шароитда давлат ҳудудига кириб келаётган товарларнинг белгиланган стандартларга жавоб бериши, тури ва сифати катта аҳамият касб этади. Сифатсиз ва тегишли стандартларга жавоб бермайдиган товарларнинг мамлакат ҳудудига олиб кирилиши нафақат аҳоли саломатлиги, ҳаётига, балки давлат хавфсизлигига ҳам хавф тугдиради. Шу сабабдан, камроқ ҳаракат қилиб, кўпроқ фойда қилишни ўйлаган жиноятчилар турли хил йўллар билан, турли усуллар орқали бундай товарларни мамлакат ҳудудига олиб кириш (олиб чиқиш)га ҳаракат қиладилар. Шунинг учун ҳам барча давлатларда шу каби ҳолатларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш мақсадида мамлакатнинг чегара ҳудудларида божхона назорати ташкил этилади. Барча давлатларда бўлгани сингари Ўзбекистон Республикасида ҳам давлат чегараси ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланувчи ягона божхона сиёсати амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси 2016 йил 20 январдаги Божхона кодексининг 1-моддасига кўра, божхона сиёсатининг асосий мақсадлари Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни ва транспорт воситаларини олиб ўтиш, божхона тўловларини ундириш, божхона расмийлаштируви, божхона назоратини амалга ошириш, шунингдек божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолатларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш тартибини белгилаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат[1].

Шунга эътибор қаратиш лозимки, кўп миқдорда, айрим ҳолатларда эса, оз миқдорда истеъмол қилиш ҳам инсон соғлиги ва ҳаёти учун хавфли бўлганлиги, шунингдек ташқари айрим туркумдаги предметлардан фойдаланиш ёки улар билан муомалада бўлиш давлат ва жамоат хавфсизлигига раҳна солганлиги сабабли фуқаролик муомаласидан чиқарилган ёки муомала қилишнинг алоҳида тартиби белгиланган товарларнинг тегишли рухсатномасиз, белгиланган тартибга риоя қилмаган ҳолда, жинойий йўллар билан мамлакат ҳудудига олиб кирилиши юқорида таъкидланган қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини кескин оширувчи ҳолат ҳисобланади. Бу каби ижтимоий хавфли қилмишларга нисбатан Ўзбекистон

Республикаси Жиноят кодексда уларни оддий ҳолатдаги божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишдан (182-моддалан) ажратган ҳолда "контрабанда" атамаси қўлланилади.

Инсоният учун турли хавф ва таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги глобаллашув даврида мазкур "контрабанда" йўли билан жиноят содир этиш ҳоллари ҳам ошиб бормоқда. Шунинг учун бу хатарнинг олдини олиш ва унга қарши қонуний асосда курашиш масаласи бутун жаҳон ҳамжамияти, ўз навбатида, бизнинг мамлакатимиз учун ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 246-моддасида контрабанда жинояти учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унда контрабанда белгилари ҳақида асосий қоидалар берилган. Ушбу норма мазмунига кўра, контрабанда деганда, яъни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи заҳарли, заҳарловчи, портловчи моддалар, радиоактив материаллар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни, шунингдек гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш тушунилади.

Аслида "контрабанда" сўзи итальянча "contra-bando" ("contra" - қарши, "bando" - ҳукумат фармони) сўзидан келиб чиққан. Юридик энциклопедияда қайд этилишича, контрабанда деганда, мамлакатга олиб келиш ва олиб кетиш таъқиқланган товарлар, қимматбаҳо буюмлар, валюта бойликлари ва бошқаларни давлат чегарасидан қонунга хилоф равишда, яширинча усулларда ўтказиш, шунингдек таъқиқланган товарларни олиб ўтиш учун қонуний ҳаракатлар қилиш тушунилади[2]. Божхона назоратидан ташқари яширинча, аниқлаш қийин бўлган воситалар орқали ёки ҳужжатлар (декларация)да кўрсатилмаган моллар ноқонуний олиб ўтилган ҳисобланади. Шунини таъкидлаш жоизки, аслида бундай ноқонуний ўтказиладиган мол-мулкнинг ўзи ҳам контрабанда дейилади. Лексикографик адабиётларда, одатда, мазкур тушунчанинг уч асосий маъноси фарқланади: биринчидан, контрабанда деганда товарлар, валюта ва бошқа бойликларни чегарадан божхона қонунчилигини бузиб пинҳона олиб ўтиш тушунилади; иккинчидан, контрабанда деб чегарадан гайриқонуний йўл билан олиб ўтилган товар ёки бошқа хил предметга айтилади; ниҳоят, учинчидан, таъқиқланган, яширинча амалга оширилаётган ҳаракатлар, бир жойдан бошқа жойга пинҳона кўчирилаётган нарсалар баъзан контрабанда деб аталади[3]. Бошқа адабиётларда контрабанда сўзининг мазмунини ёритишда товарларни чегарадан бож тўламадан олиб ўтишга урғу берилади. Шу тариқа контрабанда деганда, чегарадан махсус солиқ (бож) тўламадан олиб ўтиладиган нарсаларгина тушунилиши таъкидланади. Бизнингча, бу контрабанданинг моҳиятини тушуниш ҳамда уни сиртдан ўхшаш бўлган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлардан ажратиш учун муҳим аҳамият касб этади.

Айрим "маиший" маънолари мавжудлигига қарамай, контрабанда тушунчаси, бизнинг назаримизда, ҳеч шубҳасиз, ҳуқуқий тушунча ҳисобланади. Ундан халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда фаол фойдаланилади. Бунга 1925 йил 19 августда Гельсингфорс шаҳрида имзоланган "Алкоголли товарлар контрабандасини тўхтатиш тўғрисида"ги конвенция мисол бўлиши мумкин.

Илмий адабиётлар ва тадқиқот ишларида контрабанда тушунчасига берилган турлича таърифларга дуч келиш мумкин. Масалан, контрабандага қарши кураш муаммоларининг таниқли тадқиқотчиси проф. Ю.И.Сучков фикрига кўра, эркин муомалада бўлган товарлар ва бошқа предметларни божхона чегарасидан гайриқонуний олиб ўтишнинг контрабанда деб ҳисоблаш ўринли бўлади[4]. Шунга ўхшаш фикрни С.А.Сирма ҳам илгари суради. У иқтисодий контрабанда, одамлар контрабандаси, шунингдек муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган предметларни гайриқонуний олиб ўтишни ажратиш лозим, деб ҳисоблайди[5]. Шунга ўхшаш нуқтаи назарни проф. Б.В.Волженкин ҳам илгари суради. У иқтисодий манфаатларга эмас, балки жамоат хавфсизлигига тўғридан-тўғри тажовуз қилувчи ижтимоий хавфли қилмишларни ифодалаш учун "контрабанда" атамасидан фойдаланишнинг асослилигига шубҳа билдиради[6]. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, лойиҳаси проф. Б.В.Волженкин раҳбарлигидаги гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган МДХнинг иштирокчи-давлатлари учун Модель Жиноят кодексига контрабанда жиноятининг умумий таркиби иккига: иқтисодий контрабанда ва контрабандага ажратилгани[7] тасодиий ҳол эмас. Бизнингча, бу ечим ўз моҳиятига кўра тўғри, бироқ терминологик нуқтаи назардан камчиликлардан холи эмас, чунки эркин муомаладан чиқарилган предметлар ёки эркин муомалада бўлиши чекланган предметлар (оддий қурол, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар, стратегик хом ашё ва ш.к.)ни божхона чегарасидан гайриқонуний ўтказишга татбиқан "контрабанда" атамаси сақлаб қолинган.

Юқорида зикр этилган муаммони ечиш учун асосларни иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятларни тизимлаштириш масалаларига бағишланган тадқиқотларда, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларида излаш, бизнингча, ўринли бўлади. Айрим муаллифлар иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар тизимида контрабандани божхона жиноятлари гуруҳига киритадилар[8]. Бунда жиноятларнинг мазкур гуруҳини ажратиш учун бош мезон сифатида улар иқтисодий фаолиятнинг аниқ соҳасини тан оладилар. Божхона жиноятларининг алоҳида гуруҳи мавжудлигини П.Н.Панченко ҳам эътироф этади. У мазкур жиноятларни тажовузларнинг бевосита объектилари, яъни божхона ишининг муайян соҳаларидаги ижтимоий муносабатлар асосида тизимлаштиради[9].

А.И.Чучаев ва С.Ю.Иванова божхона жиноятларини алоҳида гуруҳга ажратиш билан бир қаторда, уларнинг турдош объекти бир эканлигига асосланган ҳолда, божхона жинояти тушунчасига таъриф берадилар. Уларнинг фикрича, контрабанда божхона жинояти сифатида "...божхонанинг товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегарасидан белгиланган қоидаларга мувофиқ ўтказишни таъминлаш борасидаги фаолияти"га тажовуз қилади[10].

Н.А.Лопашенко таклиф қилган иқтисодий жиноятлар тизимида контрабанда ижтимоий муносабатларга тажовузлар қаторига иқтисодий фаолиятда ҳулқ-атворнинг криминал шакллари такқиқлаш принципига таянган ҳолда киритилади[11]. В.Е.Мельникова иқтисодий фаолиятнинг аниқ соҳаларидан жиноятларни тизимлаштириш мезони сифатида фойдаланиб, контрабандани иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги жиноятлар гуруҳига киритади[12]. Жиноятнинг бевосита объекти деб эътироф этилган айни шу мезон асосида Б.В.Яценко контрабандани давлатнинг молиявий соҳасидаги жиноятлар қаторига киритади[13].

Олимлар томонидан илгари сурилган нуқтаи назарларга атрофлича тўхталиб шуни қайд этиш лозимки, муаллифлар фойдаланган иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятларни тизимлаштириш мезонлари борасида Н.А.Лопашенко, В.Е.Мельникова ва Б.В.Яценко нуқтаи назарлари юридик адабиётларда танқидий баҳоланди [14]. Бироқ олимлар илгари сурган фикрларнинг юзаки таҳлили ҳам уларнинг кўпчилиги мазкур жиноятларнинг ёки бу жиноятлар объектларининг божхона иши (божхона ишини тарғибга солиш, божхона органлари фаолияти ва ҳ.к.) билан бевосита алоқасига ишора қилганини кўрсатади. Божхона мақсадлари қуйидагилардан иборат:

божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш, товарларни ташиш, сақлаш ва қайта ишлашда божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш;

божхона тўловлари ўз вақтида ва тўғри тўланишини таъминлаш;

иқтисодий сиёсат чораларига, божхона режимларининг талаблари ва шартларига риоя этилишини таъминлаш;

божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларига чек қўйиш ва уларнинг олдини олишдан иборат (Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 6-моддаси). Қонунчилик нуқтаи назаридан божхона иши давлат иқтисодий фаолиятининг контрабанда ва бошқа божхона жиноятлари содир этиладиган соҳаларидан бири сифатида қаралади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сонли "Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарорининг 17-банди биринчи қисмида таъкидланишича, "Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, ЖК 246-моддасига мувофиқ, божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи заҳарли, заҳарловчи, портловчи моддалар, радиоактив материаллар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни, ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламалар, радиоактив материалларни (бундан буён матнда - контрабанда ашёлари) Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш бошқа жиноят - контрабанда таркибини ташкил этади" [15], деб берилган.

Контрабанданинг мазкур тушунчага берилган турли норматив таърифларда мустаҳкамланган белгиларининг қисий таҳлили, шунингдек контрабанда тушунчаси хусусидаги илмий нуқтаи назарларни ўрганиш уларнинг орасидан қуйидаги умумий белгиларни ажратиш имконини беради:

1) Ўзбекистон Республикасининг жамоат хавфсизлигига бевосита таҳдид солинишида ифодаланувчи алоҳида ижтимоий хавфга эгаллик;

2) товар ёки бошқа предметни (кучли таъсир қилувчи заҳарли, заҳарловчи, портловчи моддалар, радиоактив материаллар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни, ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин

куролининг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламалар, радиоактив материалларни (бундан буён матнда - контрабанда ашёлари)) божхона чегарасидан гайриқонуний ўтказиш;

3) божхона назоратидан турли йўллар билан бўйин товлаш;

4) юридик жавобгар бўлишга қодир субъектнинг мавжудлиги;

5) айбдор товар ёки бошқа предметни божхона чегарасидан гайриқонуний ўтказганлигини аниқлаш.

Контрабанда тушунчасининг бошқа барча белгилари (контрабанда предметининг алоҳида хоссалари, шу жумладан унинг қиймати, уюшган гуруҳ иштирокчилари ўртасидан функцияларнинг тақсимланиши, махсус субъектнинг мавжудлиги ва ҳ.к.), бизнинг назаримизда, фақат қўшимча белгилар сифатида қаралиши лозим.

Контрабанда маълум шаклларда содир этиладиган жиноятдир. Бу жиноят, авваломбор, фуқаролик муомаласидан чиқарилган ёки фуқаролик муомаласида бўлиши чекланган товарларни божхона чегаралари орқали олиб ўтишда белгиланган тартиб ва шартларни бузишни ўз ичига олади.

Товарлар ва бошқа ашёларни олиб киришда божхона чегарасини кесиб ўтиш - ўша нарсаларни олиб ўтиш ҳолати юз берганини билдиради. Четга товар ва бошқа ашёларни олиб чиқишда эса, божхона декларациясини тўлдириш ёки бевосита товар ва бошқа ашёлар, транспорт воситаларини олиб чиқиш мақсадини амалга оширишга қаратилган бошқа ҳаракатлар олиб чиқиш ҳисобланади. Агар бу ҳаракатларни амалга оширишда товар ва бошқа ашёларни олиб кириш ёки олиб чиқиш тартиб-қоидалар бузилгудек бўлса, ана шу қонунбузарликнинг аниқ ҳолатидан келиб чиқилган ҳолда, бу ҳаракатлар, жинорий жавобгарликка тортишни талаб этадиган контрабанда, божхона қонунчилигини бузиш ёки божхона кодексда белгилангани сингари маъмурий қонунбузарлик деб ҳисобланади [16].

Божхона чегарасини кесиб ўтишнинг ана шу тавсифидан келиб чиққан ҳолда, Жиноят кодексининг 246-моддасида кўзда тутилган ҳаракатлар олиб кириш ва олиб чиқиш билан боғлиқ барча ҳолатларда содир этилган жиноятни ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг қуруқликдаги ҳудуди, ҳудудий ва ички сувлари ҳамда улар устидаги ҳаво ҳудуди Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудини (бундан буён матнда божхона ҳудуди деб юритилади) ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин божхона зоналари ва эркин омборлар бўлиши мумкин, уларнинг ҳудудлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, божхона ҳудудидан ташқарида жойлашган деб қаралади.

Бугунги кунда жинорий-ҳуқуқий меъёрларда (Жиноят кодексининг 182 ва 246-моддалари) "божхона чегара" тушунчаси киритилган. Божхона кодексда товарларни "олиб кириш" ва "олиб чиқиш". "ўтказиш" каби тушунчалар қўлланилмоқда. Шунинг учун ҳам энди товар ва бошқа ашёларни ноқонуний "олиб кириш", "олиб чиқиш" ва "ўтказиш" билан боғлиқ барча ҳолатлар содир этилган жиноят сифатида тавсифланади.

Масалага бундай ёндашиш барча жисмоний ва юридик шахслар томонидан божхона ҳаракатларини амалга ошириш тартибини белгилаб берадиган асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлмиш Божхона кодексда қонуний мустақкамлаб қўйилган "ўтказиш", "олиб кириш", "олиб чиқиш" тушунчаларидан келиб чиқади. Шунинг

учун Божхона кодекси кенг маънода бу борадаги қонунбузликларга нисбатан жиноий жазоларни қўллашда асосий ҳужжат ҳисобланади. Чунки Жиноят кодексининг 246-моддаси умумий меъёрни белгилаб беради. Лекин уни амалиётда тўғри қўллаш учун махсус қонуний ҳужжат бўлган Божхона кодексига муурожаат қилиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 16-моддасига мувофиқ, товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини бевосита божхона чегараси орқали олиб ўтишга қаратилган ҳаракатлар жумласига қуйидагилар кирди:

божхона чегарасини кесиб ўтаётган жисмоний шахснинг божхона назорати зонасига кириши;

транспорт воситасининг божхона чегарасини кесиб ўтиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидан ўтказиш пунктига кириши;

божхона ҳудудига йўллаш ёки ушбу ҳудуддан ташқарига жўнатиш учун товарларни транспорт ташкилотларига ёхуд халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларини почта алоқаси операторлари ва провайдерларига топшириш;

жисмоний шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланмаган жойлардан товарлар ва (ёки) транспорт воситалари билан божхона чегарасини амалда кесиб ўтишга қаратилган ҳаракатлари.

Товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини божхона ҳудудига олиб кириш шартлари товарлар ва (ёки) транспорт воситалари билан божхона чегарасини амалда кесиб ўтишдан ҳамда ушбу товарлар ва (ёки) транспорт воситалари билан ушбу Кодексда назарда тутилган кейинги барча ҳаракатларни улар божхона органлари томонидан чиқариб юборилгунига қадар амалга оширишдан иборат.

Товарлар ва (ёки) транспорт воситалари божхона ҳудудига олиб кирилаётганда ташувчи уларни тайинланган божхона органи жойлашган ерга ёки бошқа жойга ушбу Кодекснинг 218-моддасида белгиланган муддатларда етказиб бериши шарт. Бунда товарларнинг ҳолатини ўзгартиришга ёки уларнинг ўровини бузишга, шунингдек қўйилган пломбаларга, муҳрларга ва божхона идентификациясининг бошқа воситаларига шикаст етказилишига йўл қўйилмайди.

Божхона декларациясини бериш ёки ушбу модданинг биринчи ?исмида кўрсатиб ўтилган, товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини мазкур ҳудуддан бевосита олиб чиқишга қаратилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш, шунингдек товарлар ва (ёки) транспорт воситалари билан ушбу Кодексда назарда тутилган кейинги барча ҳаракатларни улар амалда божхона чегарасини кесиб ўтгунига қадар бажариш товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини божхона ҳудудидан олиб чиқиш шартлари ҳисобланади.

Товарларни божхона ҳудудидан олиб чиқишга улар ушбу Кодексга мувофиқ олиб чиқилаётган товарларга нисбатан қўлланиладиган тегишли божхона режимига жойлаштирилганидан сўнг йўл қўйилади. Товарлар ва (ёки) транспорт воситалари божхона назоратидан ўтказилмасдан мазкур ҳудуддан олиб чиқилиши мумкин эмас. Божхона назорати ташувчининг товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини олиб чиқиш нияти борлигидан олдиндан хабардор қилиш асосида божхона органи томонидан ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини ҳамда валюта бойликларини божхона чегараси орқали олиб ўтиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Жиноят кодексининг 246-моддасида кўзда тутилган жиноятлар таркиби, ўзининг тузилишига кўра, "расмий" ҳисобланади. Чунки уларнинг жойлашувида

яъни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи заҳарли, заҳарловчи, портловчи моддалар, радиоактив материаллар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни, шунингдек гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш кўрсатилган. Бу эса содир этилган жиноят таркибининг мавжудлиги битта ҳаракатни содир этиш билан боғлиқлигини аниқлатади.

Давлат божхона кўмитаси айрим категориядаги товарлар учун алоҳида тартиб ўрнатиш мумкин. Уларга нисбатан божхона расмийлаштируви фақат маълум бир божхона идораси томонидан амалга оширилади. Бу талабни бузишни ҳам божхона назорати қондаларига зид ҳаракатлар сифатида баҳолаш лозим.

Жиноят кодексининг 246-моддаси иккинчи қисмида эса, ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламаларни, радиоактив материалларни, шунингдек гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда контрабанда қилиш назарда тутилган.

Хулоса қиладиган бўлсак, юқорида баён этилганлар жиноят қонуни назариясига мувофиқ жазога лойиқ бўлган контрабанда тушунчасининг умумий таърифини тақлиф қилиш имконини беради: Контрабанда деганда, эркин фуқаролик муомаласидан чиқарилган ёки эркин фуқаролик муомаласида бўлиши чекланган предметларни давлат божхона чегарасидан қонунга хилоф равишда, яширинча усуллар орқали ўтказиш, шунингдек тегишли ваколатини суиистемол қилган ҳолда шундай товар ва ашёларни олиб ўтишни қонунийлаштириш билан боғлиқ ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Иқтибослар/Сноски/References

1) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3(1)-сон, 31-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 27.07.2018 й., 03/18/488/1579-сон, 04.10.2018 й., 03/18/494/1992-сон; 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон. (Collection of Laws of the Republic of Uzbekistan, 2016, № 3 (I), Article 31; 2017, № 37, Art. 978; National Database of legal acts, 19.04.2018, No. 03/18/476/1087; 27.07.2018, № 03/18/488/1579; 03/10/2018, 03/18/494/1992; № 03/19/516/2484, 16.01.2019.)

2) Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Нашр учун масъул: Р.А.Муҳитдинов ва бошқ. / Масъул муҳаррир: Н.Тойчиев. - Тошкент: Адолат, 2009. -Б.261. (The Legal Encyclopedia of Uzbekistan. Responsible for publication: R.A.Mukhitdinov et al. / Responsible Editor: N. Toychiev. - Tashkent: Justice, 2009. -P.261.)

3) Словарь иностраннқх слов. - М.: Политиздат, 1990. -С.249. (Dictionary of foreign words. - М.: Politizdat, 1990. -P.249)

4) Сучков Ю.И. Защита внешнеэкономической деятельности Российской Федерации по уголовному законодательству (проблемнқе аспектқ теории и законодательства). Дисс. ...докт. юрид. наук. - СПб, 1997. - С.39 (Suchkov Yu.I. Protection of foreign economic activity of the Russian Federation under criminal law (problem aspect of theory and legislation). Diss. ... doc. legal sciences. - Petersburg, 1997. - P.39.)

5) Сирма С.А. Борьба с организованной преступной деятельностью в сфере таможенного контроля (уголовно-правовой и криминологический аспектқ): Дисс. ... канд. юрид. наук. - М., 1999.

-
- 7, 124-125 с (Sirma S.A. The fight against organized criminal activity in the field of customs control (criminal law and criminological aspects): Diss. ... cand. legal sciences. - М., 1999. - 7, 124-125 p).
- 6) Волженкин Б.В. Экономические преступления. - СПб.: Юридический центр Пресс, 1999. - С.182 (Volzhenkin B.V. Economic crimes. - Petersburg: Legal Center Press, 1999. - P.182).
- 7) Модельный Уголовный кодекс для государств - участников СНГ // Правоведение. 1996. №1 (Model Criminal Code for the CIS member states // Jurisprudence. 1996. №1).
- 8) Новое уголовное право России. Особенная часть. - М., 1996. - ст. 147-148 (The new criminal law of Russia. The special part. - М., 1996. - p. 147-148).
- 9) Научно-практический комментарий к Уголовному кодексу РФ. Т. 1. - Н.-Новгород, 1996. - ст. 541 (Scientific and practical commentary on the Criminal Code of the Russian Federation. Т. 1. - N.-Novgorod, 1996. - p. 541).
- 10) Чучаев А.И. Таможенные преступления в новом УК РФ / Чучаев А.И., Иванова С.Ю. // Государство и право. 1998. №11. - 41-43-с (Chuchaev A.I. Customs crimes in the new Criminal Code of the Russian Federation / Chuchaev A.I., Ivanova S.Yu. // State and law. 1998. № 11. - p. 41-43).
- 11) Лопашенко Н.А. Вопросы квалификации преступлений в сфере экономической деятельности. - Саратов, 1997. - С.16 (Lopashenko N.A. Questions qualification of crimes in the field of economic activity. - Saratov, 1997. - p.16).
- 12) Уголовное право Российской Федерации. Особенная часть: Учебник под ред. проф. Б.В.Здравом слова. - М., 1996. - С.178 (The criminal law of the Russian Federation. Special part: Textbook, ed. prof. B.V. Zdravom words. - М., 1996. - P.178).
- 13) Уголовное право России. Особенная часть: Учебник под ред. проф. А.И.Рарога. - М., 1996. - С.145 (The criminal law of Russia. Special part: Textbook, ed. prof. A.I. Raroga. - М., 1996. - P.145).
- 14) Чучаев А.И. Таможенные преступления в новом УК РФ / А.И.Чучаев, С.Ю.Иванова // Государство и право. 1998. №11. - 40-42 с (Chuchaev A.I. Customs crimes in the new Criminal Code of the Russian Federation / A.I. Chuchaev, S.Yu. Ivanova // State and Law. 1998. № 11. - 40-42).
- 15) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сонли "Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори. (Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan dated September 6, 2013 № 18 "On judicial practice in cases of violation of customs legislation and smuggling")
- 16) Зокирова О.Ф. Контрабанда учун жиноий жавобгарлик: Ўқув қўлланма. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбоев. -Тошкент: ТДЮИ, 2007. - Б.9 (Zakirova O.G. Criminal Liability for Smuggling: Handbook. / Editor in charge: Prof. DSc. Law M.H.Rustamboev. - Tashkent: TSIL, 2007. - P.9.)